

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК:*

**БОРОТОВ АЛИШЕР ХОМИДОВИЧ**

**ХУСУСИЙ ҚОРХОНА – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ  
СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

**5А380103 – Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни;  
халқаро хусусий ҳуқуқ**

**магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** юридик фанлар номзоди, доцент  
**Н.Ф. Имомов**

**Т О Ш К Е Н Т – 2011**

## МУНДАРИЖА

Кириш

I-БОБ. Хусусий корхона тўғрисида умумий тавсиф

1.1. Хусусий корхона ва унинг бозор муносабатларида тутган ўрни

1.2. Хусусий корхона фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг ривожланиши

II-БОБ. Хусусий корхона вужудга келиш ва бекор бўлиш таомиллари.  
Хусусий корхона жавобгарлиги.

2.1. Хусусий корхонанинг вужудга келиши:

а) таъсис ҳужжатлари;

б) давлат рўйхатидан ўтказиш;

в) устав фондини шакллантириш.

2.2. Хусусий корхонани тугатиш.

2.3. Хусусий корхонанинг жавобгарлиги.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## К И Р И Ш

**Танланган мавзунинг долзарблиги:** Маълумки, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда туб ислоҳотларни ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Собиқ Иттифоқ даврида ҳукм сурган иқтисодий тизимлар амалда Ўзбекистон қуришни мақсад қилган давлат ва жамиятга жавоб бермай қўйди. Бу – табиий ҳол эди, албатта. Чунки ўша давр мафкураси асосан давлат яққаҳоқимлигига асосланган эди. Иқтисодий тизимдаги муносабатлар маъмурий-буйруқбозликка асосланган “план”, “лимит”, “наряд” каби ричагларга асосланган эди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодий соҳада турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Асосий қонунимизда **“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади”**,<sup>1</sup> деб белгиланган. Шубҳасиз, бозор муносабатларининг бетакрор инфратузилмаларидан бири – бу хусусий сектордир. Айнан хусусий сектор эгалари мамлакат ва миллат тараққиётига сезиларли ҳисса қўшадилар. Бу ҳолат бутун дунёда эътироф этилган ҳақиқатдир.

“Биз кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан республикаимизни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамоғимиз лозим.

Айни шу хусусий сектор энг ҳаракатчан, энг ташаббускордир. Агар хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилса, у иқтисодиётимизни тангликдан олиб чиқишга қодир “локомотив” бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини хусусий, давлатга қарашли бўлмаган сектор берадиган бўлган тақдирдагина

---

<sup>1</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.; Ўзбекистон, 2008. 11-б.

иқтисодиёт ҳақиқий эркинлик олди ва ўз келажагига эга бўлади, деб дадил айтиш мумкин бўлади”.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганларидек, барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур. Тарихнинг қайси даврини олмайлик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор-тўралар ва турли-туман текширувчилар эмас, балки ғайрат-шижоатли, ташаббускор ва тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб яшнаши ва халқ фаровонлигини таъминлаганини кўрамиз.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик миллий иқтисодиётга, давлат тараққиётига ва аҳоли фаровонлигига эришиш йўлидаги ишлар самарасига бевосита таъсир кўрсатади. Бу соҳанинг афзал томони шундаки, мослашувчанлик, зудлик билан фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятидир. Катта компания миллион-миллион сўмлик махсулот чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз туфайли сота олмай, куйиши мумкин. Кичик ва хусусий бизнес вакиллари бундай вазиятларда, табиийки, анча осон ечим топади.

Албатта, давлатга қарамликда яшаб, онгига боқимандалик кайфияти қаттиқ ўрнашиб қолган одамларда мулкдорлик хиссини уйғотиш осон кечмайди. Шукурки, ҳозир вазият ўн йил илгаридан анча бошқача. Кўпчилик мулкка эгалик хиссини англаб етди, мулкдорлар синфи кенгайиб бораётир.

Бугунги кунда жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш пировард мақсадларимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Бу соҳада кўплаб янгидан-янги қонун ҳужжатлари яратилмоқда, мавжудлари такомиллаштирилмоқда. Қонунларни, унда белгиланаётган қадриятлар(ҳуқуқлар, эркинликлар, кафолатлар, бурчлар)ни билишимиз ва уларни амалга ошира олишимизни даврнинг ўзи эҳтиёжга айлантормоқда. Токи ислохотларда кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлиб қатнашсак мақсадга мувофиқ иш бўларди.

---

<sup>1</sup>Қаранг: И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 187-б.

“Яқин келажакда кичик ва хусусий тадбиркорлик республикамизнинг ишлаб чиқариш тузилмасида ва экспорт тузилмасида иқтисодиётнинг ҳаракатчан, осон ўзгартириладиган соҳаси сифатида етакчи ўринни эгаллашига эришиш лозим” деб, Президентимиз И.А.Каримов бежизга таъкидламаган эди.<sup>1</sup>

“Шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқий ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур” дея Президентимиз И.А.Каримов айтиб ўтган.<sup>2</sup>

Ана шундай субъектлардан бири – хусусий корхоналардир. Бугунги кунда хусусий корхоналарнинг жамиятдаги ва кишилар ҳаётидаги ўрни ва ролидан келиб чиқиб, алоҳида қонун – “Хусусий корхона тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши ҳам диққатга сазовордир.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз”<sup>3</sup>

Ушбу ҳолатларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш мазкур магистрлик битирув малакавий ишимизнинг предметини ташкил қилади. Мавзунинг долзарблиги ҳам юқоридагилар билан изоҳланади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997 й. 198-бет.

<sup>2</sup>Қаранг: Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

<sup>3</sup>Қаранг: Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир” / Инсон ва қонун, 2010. № 51. -3 б.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий фуқаролик ҳуқуқи фанида юридик шахслар, хусусан тижоратчи юридик шахслар билан боғлиқ муаммолар кўплаб ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Масалан, академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов юридик шахсларнинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақомининг умумий жиҳатларини, концептуал асосларини тадқиқ этса, профессор И.Б.Зокиров юридик шахслар тушунчаси, унинг бир тури сифатида хусусий корxonанинг мақомини очиқ беради, Ш.Н.Рўзиназаров қишлоқ хўжалиги юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини таҳлил этган.

Юридик шахсларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши масалалари бўйича А.Шукруллаев тадқиқот олиб борган бўлиб, унинг тадқиқот иши фақатгина қишлоқ хўжалиги корxonаларининг ҳуқуқий мақомига бағишланади<sup>1</sup>. Т.М.Туребеков жамоат бирлашмаларининг фуқаролик ҳуқуқи субъектчилиги масалаларини<sup>2</sup>, С.С.Гулямов, Ж.И.Юлдашев, О.Тошевлар эса акциядорлик жамиятларининг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги ўзига хос жиҳатларини ўрганишган<sup>3</sup>, Н.Лопалева эса юридик шахслар банкротчилиги масалаларини тадқиқ этган<sup>4</sup>.

Юридик шахсларнинг, уларнинг бир тури сифатида тижорат юридик шахслар ва хусусий корxonалар субъектчилигининг умумий жиҳатлари билан боғлиқ муносабатларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда кўйидаги ҳуқуқшунос олимларнинг асарларидан фойдаланилган: С.Н.Братусь, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, Ю.К.Толстой, В.А.Дозорцев, Е.А.Суханов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Н.Рўзиназаров,

---

<sup>1</sup> Шукруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалиги корxonаларини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Юрид.фан.номз.... Дисс. – Тошкент: 2001. – 154 б.

<sup>2</sup> Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф.дисс....канд.юрид.наук.-Тошкент: 2002. -25 с.

<sup>3</sup> Гулямов С.С. Некоторые проблемы процессов реорганизации акционерных обществ в Узбекистане. //Обзоро законодательства Узбекистана.-Тошкент, 2004. -№4. -С.13.; Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент:ТДЮИ. 2004. -84 б.; Тошев О. Акциядорлик жамиятлари бекор бўлишида мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати. / «Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.- Б.107.

<sup>4</sup> Лопалева Н. Практика рассмотрения хозяйственным судом города Ташкента заявлений о признании должников банкротами.//Хозяйство и право.-Тошкент, 1999. -№11-12. - С.69-72.

Ф.М.Отахонов, А.Шукуруллаев, С.С.Гулямов, С.Холбоев, Ш.М.Асьянов, К.О.Синдоров, Р.Книпер, Б.А.Ногаев, Т.М.Туребеков, О.С.Иоффе, О.А.Красавчиков, И.Анортоев, Д.М.Караходжаева, Р.О.Халфина, Р.Мухаммедов, С.С.Хамроев, Н.Лопаета, А.Н.Танага, Н.Ш.Саид-Газиева, Ж.Юлдашев ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа муаллифларнинг илмий асарлари тадқиқ этилаётган муаммони назарий таҳлил қилишда катта туртки бўлди. Уни ишлаб чиқишга муайян даражада ҳисса қўшди. Лекин бу муаммони (тадқиқ этиш борасидаги масалаларни) тўлиқ ёритиб беришда уларни етарли деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасидаги ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқий адабиётлар орасида бевосита фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида хусусий корxonанинг мақоми, улар субъектчилигининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишга бағишланган алоҳида монографик тадқиқот мавжуд эмас.

Шу муносабат билан тадқиқот ишида мамлакатимизнинг янги миллий қонунчилиги тизимида ҳали комплекс жиҳатдан илмий тадқиқ этилмаган фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида хусусий корxonанинг ҳуқуқий мақоми: уларнинг ташкил топиши ва қайта ташкил этиш ва тугатиш, ихтиёрий ва мажбурий тартибда бекор бўлиш масалалари, хусусий корxonанинг жавобгарлиги муаммолар ечимлари тадқиқ этилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Юридик шахсларнинг бир тури бўлган хусусий корxonанинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги мақомини тадқиқ этиш, хусусий корхона тушунчаси ва унинг белгиларини очиб бериш, хусусий корxonани ташкил этиш ва бекор бўлишининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш ва хусусий корхона билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида хусусий корxonанинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- юридик шахслар тизимида хусусий корхонанинг тутган ўрнини таҳлил қилиш;
- хусусий корхона фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг ривожланишини тадқиқ этиш;
- хусусий корхонанинг вужудга келиш асослари ва тартибини илмий-назарий жиҳатдан ёритиш;
- хусусий корхонанинг таъсис ҳужжатларини тадқиқ этиш ва улар мазмунини аниқлаш;
- хусусий корхонанини давлат рўйхатидан ўтказишнинг муҳим жиҳатлари ва босқичларини ўрганиш;
- хусусий корхона устав фондини шакллантириш ва устав фондини такомиллаштириш масалалари илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқиш;
- хусусий корхонани тугатиш асослари ва тартибини, кредитор ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларини таҳлил этиш;
- хусусий корхона жавобгарлигининг асослари ва шаклларини очиб бериш.

**Тадқиқот объектини** хусусий корхонанинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги мақоми ва унинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва у билан боғлиқ моддий-ҳуқуқий муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқот предметини** фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатидаги хусусий корхонанинг мақоми, субъектлилиги ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар ташкил қилади.

Илмий янглиги. Мазкур тадқиқотни илмий янгилиги шундан иборатки, мустақил Ўзбекистон миллий қонунчилигида хусусий корхонанинг ҳуқуқий мақоми, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъектлилиги, ташкил топиши ва бекор бўлиши, хусусий корхонанинг жавобгарлиги билан боғлиқ муаммолар илк мигистрлик диссертацияси даражасида тадқиқ этилмоқда. Шу билан бирга, ушбу диссертация ишининг янгилигини қуйдагилар билан ҳам белгилаш мумкин:

1. Муаллиф амалдаги қонунчиликда хусусий корхона тушунчасига берилган легал таъриф ва мавжуд юридик адабиётлардаги қоидаларни ўрганиб чиқиб, хусусий корхона тушунчасига ўзининг муаллифлик таърифини ишлаб чиққан;

2. Хусусий корхона фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида қуйдаги ўзига хос хусусиятлар билан фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари бўлган юридик шахсларнинг бошқа турларидан фарқ қилади: а) якка шахс - фуқаро томонидан томонидан ташкил этилишининг мумкинлиги; б) вужудга келиш асоси ва тартибининг соддалаштирилган махсус тартибда амал қилиши; в) жавобгарлигининг субсидиар шаклда қўлланилиши; д) таъсис ҳужжатларининг бошқа юридик шахсларга нисбатан примитив шакллари белгиланганлиги.

3. Хусусий корхона ҳуқуқий мақомини белгилашда, уни ташкил этиш ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутадиган, хусусий корхонанинг намунавий устави ишлаб чиқилди(устав лойиҳаси илова қилинади).

4. Диссертант хусусий корхона устав фонддини шакллантириш бўйича амалдаги қонунчиликни таҳлил этиб, хусусий корхона устав фонддини минимал миқдорини қонунчиликда белгилаш заруриятини асослантиради ва “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонунга қўшимча ўзгартириш тўғрисидаги таклифни илгари суради.

5. Хусусий корхона мол-мулкининг ҳуқуқий мақоми, уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича кафолатларини такомиллаштириш мақсадида амалдаги қонунчиликка хусусий корхона мол-мулкининг дахлсизлиги, давлат муҳофазасида эканлигига оид нормаларни амалдаги қонунчиликка киритишга оид таклифлар ишлаб чиқилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулоса ва қоидалардан Ўзбекистон Республикасида хусусий корхоналарнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектчилигини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқий

мақомини тартибга солувчи муносабатларни тартибга солувчи нормаларни қўллашга оид назарий ва амалий қоидаларни ривожлантиришда, хусусий корхоналар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, юридик шахсларни бекор бўлиш асослари ва усулларини амалиётда қўллашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурий кўрсатмаларнинг тегишли мавзуларини тайёрлашда, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминловчи соҳа раҳбарлари ва мутахассислари учун қўлланмалар чиқаришда ҳам бу таклиф ва хулосалардан кенг фойдаланиш мумкин.

**Диссертациянинг таркиби ва тузилиши.** Диссертациянинг таркиби ва тузилиши унинг мақсади ҳамда вазифаларига мос бўлиб, Кириш, икки боб, беш параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

# **I БОБ. ХУСУСИЙ КОРХОНА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТАВСИФ**

## **1.1. Хусусий корхона ва унинг бозор муносабатларида тутган ўрни.**

Тадбиркорлик қонунда белгиланишича, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

Таърифдан кўринадики, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилади. Кимлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидир.

Юридик шахслар алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бера оладиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиб, уларни мустақил амалга оширадиган, мажбуриятларни бажарадиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотдир. Юридик шахслар, албатта, мустақил баланс ёки сметага эга бўладилар. Ўзбекистон бозорида юридик шахсларнинг маҳаллий, хорижий(100% капитали хорижники бўлган) ва қўшма корхона(улушининг камида 30% хорижий инвесторники ва минимал устав фонди 150000 АҚШ долларидан кам бўлмаган) турлари мавжуд. Жисмоний шахслар деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Агар қонунда бирон-бир истисно бўлмаса, ушбу юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин.

Қуйидагилар тақиқланади:

- конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига,

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек харбийлаштирилган бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти( Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддаси, чунки жамоат бирлашмалари ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ва ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар);

- Конституциянинг 57-моддасига кўра, махфий жамиятлар ва уюшмалар (чунки улар хуфёна иқтисодиётни урчитадилар);

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши (Конституциянинг 121-моддаси);

- Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунга кўра, террорчилик ташкилоти (суд қарори билан тугатилади, унга тегишли мол-млк мусодара қилинади ҳамда давлат мулкига ўтказилади);

- юридик шахс ҳисобланган Марказий банкнинг тижорат фаолияти билан шуғулланиши (Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги қонуни 4-моддаси);

- Олий Мажлис депутатлари ўз ваколатлари даврида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари (Конституциянинг 87-моддаси);

- Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз ваколатларини бажариш муддати давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши (Ўзбекистон Республикасининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил(Омбудсман) тўғрисида”ги қонун, 7-модда);

- Судьялар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари, ҳақ тўланадиган бошқа бирон бир фаолият билан шуғулланиши (Ўзбекистон

Республикасининг янги тахрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 14 декабрь, 66-модда);

- нотариуснинг ўз хизмат вазифаси даврида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши (Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни, 7-модда)<sup>1</sup>.

Ушбу ҳолатлар 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонунда ҳам умумий тарзда нормаланган.

Таърифдаги яна бир эътиборли жиҳат – “қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган” деган жумладир. Демак қонун тақиқлаган фаолият шакллари ва турлари ўз-ўзидан ғайриқонунийдир.

“Таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида” деган ибора тадбиркорликнинг бутун мазмун моҳиятини қамраб олади. Замонавий бизнес, замонавий тадбиркорлик тўла-тўқис таваккалчиликка асосланади, аммо у ўзига хос мониторинг, бизнес план, маркетинг, бозор конъюнктурасини назардан қочирмайди. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект(хусусий тадбиркор) ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли мол-мулк билан жавоб беради. Агар давлат томонидан ташкил этилган тадбиркорлик субъекти ўз мажбуриятлари юзасидан мол-мулки етарли бўлмаса, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар(қўшимча) бўлади. Шунингдек, фуқаролик қонунларига кўра, юридик шахснинг банкротлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчининг ёки ушбу юридик шахс мулкдорининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари туфайли вужудга келган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда уларга ( яъни таъсисчилар ёки юридик шахс мулкдори) ҳам субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти тижорат ташкилоти ҳисобланади, шу боисдан фойда олиш унинг асосий мақсадидир.

---

<sup>1</sup>Қаранг: И.Зокиров., М.Баратов. Тадбиркорлик: манфаат ва масъулият. –Т.: Адолат, 2002. –Б.4-5.

Тадбиркорлик фаолияти ташаббускор фаолият. Бунда янги ўйлар, кечинмалар, орзу-умидлар моддийлашади. Муҳими, тадбиркорликда иқтисодий эркинлик, ташаббус, мустақиллик мавжуд. Ушбу фаолият натижасидан кўпчилик бахраманд бўлади – аввало, тадбиркорнинг ўзи, оиласи, бола-чақаси, маҳалласи ва давлати. Бугунги ислохотларимиз кичик, ўрта ва хусусий бизнес вакиллари кўпайтиришга қаратилган.

Тадбиркор ўз фаолияти орқали товар ишлаб чиқариши ёки хизматлар кўрсатиши мумкин. Ҳар бирининг ихтисослашганлигига, фаолият кўламига ва ишловчиларнинг сонига қараб тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

- яқка тартибдаги тадбиркорлик, яъни юридик шахс ташкил этмасдан жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир. Бундай ҳолда тадбиркорлик ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз ўз мол-мулки ёки ижара мол-мулкига асосланади. Оилавий мол-мулк асосида эр-хотиндан бири тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлса, иккинчисининг розилиги талаб қилинади;

- жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлиги, яъни оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат шартномаси асосидаги тадбиркорлик, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалиги ташкил этиш асосидаги тадбиркорлик;

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар шаклидаги тадбиркорлик;

- саноат соҳасида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан қирқ киши; қурилиш, қишлоқ хўжалиги, бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида кўпи билан йигирма киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, савдо ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида кўпи билан ўн киши бўлган кичик корхоналар шаклидаги тадбиркорлик;

- ходимларнинг ўртача йиллик сони кичик корхоналарга белгилангандан кўпроқ, аммо саноатда юз кишидан, қурилишда эллик кишидан, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқларида ўттиз кишидан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида йигирма кишидан кўп бўлмаган ўрта корхоналар шаклидаги тадбиркорлик кабилардир. Эркин бозор муносабатлари шароитида хусусий корхоналар ҳам юридик шахс сифатида тан олинди, ўз ҳуқуқларига эга бўлган, мулкчилик ёки тўлик хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қаршли мол-мулкдан фойдаланиш асосида махсулот чиқарадиган ва сотадиган ёки уни айирбошлайдиган, ўз фаолиятини қонунлар доирасида амалга оширадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.<sup>1</sup>

2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонунининг 3-моддасига асосан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхоналар юридик шахс сифатида ўзига хос белгиларга эга.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулквий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қаршли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Х.Фозилов. Хусусий корхона-унинг ҳуқуқий макоми нималардан иборат?(Хаёт ва қонун, Т, “Шарк”, 2003йил, 3-сон).

<sup>2</sup> Қаранг: “Халқ сузи” газетаси, 2004йил 23 январь.

Хусусий корхона тулик фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва “**xususiy korxonona**” деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган номи унинг қисқартирилган номини ва “**xususiy korxonona**” деган сўзлар ёки ХК аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Ўз навбатида, хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк хисобварақалари очади.

Шунингдек, корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда айна пайтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Шу билан бир қаторда, хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда кўзга ташланиб турадиган бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни жадаллик билан ривожлантириш сиёсати самарали амалга оширилмоқда. Давлат мулк қўмитасининг статистик маълумотларига кўра, 2003 йилнинг ўзида 43 минг кичик корона рўйхатга олинган. Фақатгина 2004 йил 1 январь ҳолатида, 264 минг кичик ва хусусий корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган. Тадбиркорлик субъектлари ўсиши хисобига 375,4 минг янги иш жойлари яратилиб, натижада аҳолининг иш билан таъминланганлигида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг хиссаси 57%ни ташкил этди. Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида 2003 йилда 1377 та хусусий корхона ташкил килинган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Қаранг: [http:// www.spc.gov.uz](http://www.spc.gov.uz).

## **1.2. Хусусий корхона фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг ривожланиши.**

Турмушда, халқ хўжалигида юз бераётган ҳар бир муносабат маълум вақтлар келиб ҳуқуқий таъминланишни талаб қилиши табиий. Хусусан, хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам.

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги қабул қилинган "Тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунда акс этганди. Қонун қабул қилинганидан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди ва ҳозирга келиб қонунлар янгиланди ва ўзгарди. 1990 йилнинг 31 октябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонунини ҳам эслаш ўринли. Чунки бу қонун мулкий ҳуқуқнинг тан олинишини ва қонун билан муҳофаза қилинишини ва мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилишини, ундан фойдаланишини ҳамда уни тасарруф этиши мумкинлигини нормалади.

Тадбиркорлик, мулкчилик муносабатларининг ривожланиши 1991 йил 19 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуни сезиларли туртки бўлди. Ушбу қонун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш шароитида Ўзбекистон Республикаси оммавий мулкни ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.<sup>1</sup> Негаки бозор мухитини, бозор муносабатларини тадбиркорликсиз, тадбиркорни мулксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шубҳасиз, бу соҳадаги саъй-ҳаракатларимизнинг гултожи – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди. Тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги конституцион даражада нормаланди.

Қонунчилик тажрибасига кўра, ҳаётимизнинг кечиктириб бўлмайдиган жабхаларидаги муносабатларнинг ҳуқуқий ечимини Президент фармонлари

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992йил, 1-сон,43-модда.

беради. Ана шундай фармонлардан бири амалда Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларнинг иккинчи босқичини белгилаб берган 1994 йил 21 январдаги “Иккисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг, шу жумладан, хусусий тадбиркорликнинг гуллаб яшнашида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ва шу фармон ижросига оид 1995 йил 14 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу актларнинг муҳим жихати шундаки, тадбиркорлар билан давлат корхоналарининг тўла тенг ҳуқуқлилигига, тадбиркорларнинг ички хўжалик фаолиятига (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) аралашшишга йўл кўймаслик, хусусий корхоналар қонунларда кўзда тутилган ҳужжатларни улар жойлашган ҳудуддаги ҳокимиятга топширишганидан кейин уч кун муддат ичида белгиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олиниши белгиланди.

Кейинчалик 1995 йил 21 декабрдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”, 1999 йил 14 апрелда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (ушбу қонун амалга киритилиши муносабати билан 1991 йил 15 февралдаги “Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги қонун ўз кучини йўқотди) қабул қилинди. 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (ушбу қонунга 2001 йил 12 майда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди) амалга киритилиши муносабати билан юқоридаги икки номдаги қонун ҳам ўз кучини йўқотди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Солик ва Хўжалик процессуал кодекси, қонунлар, Президент фармонлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда вазирликлар ва идоралар норматив ҳужжатларини ўз ичига олувчи норматив-ҳуқуқий база шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Адлия вазирлиги томонидан бошқа вазирликлар ва идоралари билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини норматив-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунчиликни мустахкамлаш жараёни давом эттирилди:

Биринчидан, хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2003 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги ПФ-3202 сонли фармони қабул қилиниб, унда хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бозор ўзгартиришларининг ғоят муҳим устувор йуналишларидан қилиб белгиланди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда хусусий корхоналар ташкил қилиш ва унинг фаолияти тартиби, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликнинг устувор даражада ўсишини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва преференциялар тизимини назарда тутувчи “Хусусий корхона тўғрисидаги” қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига тақдим қилиш вазифаси юклатилди. Олий Мажлис иккинчи чақириқ XIII сессиясида

---

<sup>1</sup> Қаранг: “Халқ сузи” газетаси, 2003 йил 28 январь.

хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди;

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун рўйхатга олиш тартиботларини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”<sup>1</sup> ги фармони қабул қилиниб, ушбу ҳужжат тадбиркорлик фаолияти юритиш учун тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатига олиш ва белгиланган ҳужжатларни тўлдиришнинг янгича механизми асосларини белгилаб берди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги 3305-сонли “1998 йил 9 апрелдаги Президент фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”<sup>2</sup> ги фармони билан тадбиркорлик субъектлари доираси белгилаб берилди.

Тўртинчидан, 2003 йил 27 октябрда фермер хўжаликларини жадаллик билан ривожлантириш йўлида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш мақсадида 3342-сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси туғрисида”<sup>3</sup> ги фармони қабул қилинди.

Ниҳоят, 2003 йил 23 декабрда “Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”<sup>4</sup> ги 3367-сонли Президент фармони ва 2003 йил 24 декабрда “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб, улар асосида кичик тадбиркорлик субъектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган воситалар ҳисобига молиялаштиришнинг янги механизми ишлаб чиқилди.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup>Қаранг: “Халк сузи” газетаси, 2003 йил 21 август

<sup>2</sup>Қаранг: “Халк сузи” газетаси, 2003 йил 31 август

<sup>3</sup>Қаранг: Халк сузи, 2003 йил 28 октябрь.

<sup>4</sup>Қаранг: Халк сузи 2003 йил 24 декабрь.

<sup>5</sup>Қаранг: <http://www.spc.gov.uz>.

## **II БОБ. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА БЕКОР БЎЛИШ ТАОМИЛЛАРИ**

### **2.1. Хусусий корхонанинг вужудга келиши**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 42-моддасига кўра, юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёҳуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёҳуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Юридик шахслар профессор И.Б. Зокировнинг фикрига кўра, қуйидаги усулларда вужудга келади:

**1. Буйруқ усули.**

**2. Мурожаат қилиш усули.**

**3. Рухсат олиш усули<sup>1</sup>.**

Буйруқ усули орқали вужудга келишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида”ги 2004 йил 30 мартдаги қарори бунга мисол бўла олади<sup>2</sup>. Одатда, бундай усул билан давлат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахслар ташкил этилади.

Мурожаат қилиш усулида муассислар томонидан тузиладиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имконияти қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлигини текширади.

Рухсат олиш усулида ташкил топадиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имкониятлари қонунларда олдиндан белгилаб қўйилади ва, бинобарин, уларнинг ташкил топиш-топмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис ҳужжатларининг (юридик шахсни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ва уларнинг устави) қонунга мувофиқлиги текширилади, ҳолос. Юридик шахс таъсис шартномаси иштирокчилар томонидан тузилади, устави эса тасдиқланади.

Айни вақтда, бугунги кунда цивилистика оламида юридик шахсларнинг ташкил топиш усуллари хусусида турли хил қарашлар, ҳулосалар ҳам бор. Жумладан, амалиётчи олим М. Абдусаломовнинг фикрича, буйруқ тартиби, оддий таъсис этиш тартиби, ўзаро келишув тартиби (АЖларда) ҳам мавжуд<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>Қаранг: И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи, Т., “Адолат”, 1996йил, 56-57-бетлар.

<sup>2</sup>Қаранг: Халқ сузи, 2004 йил 31 март.

<sup>3</sup>М.Абдусаломов. Тадбиркорлик ва тадбиркор ҳуқуқлари ва манфаатларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари.ю.ф.н. дисс.автореф.-Т.:2003.-11 б.

Таъсис ҳужжатларида юридик шахсларнинг таркиби ва ваколатлари, бошқа зарурий маълумотлар бўлмоғи керак. Таъсис шартномасида иштирокчилар юридик шахс фаолиятини амалга оширишда вужудга келган фойда ва зарарни тасдиқлаш, юридик шахсни бошқариш тартиби белгиланади.

Юридик шахс мурожаат қилиш ва рухсат олиш усуллари орқали ташкил топганда, албатта, уни ташкил қилувчилар ташаббускор гуруҳ бўлади. Бу гуруҳ фуқаролардан ҳам, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Улар муассислар ёки таъсисчилар деб аталади. Таъсисчилар орасида давлат ҳамда унинг органлари бўлиши мумкин. Муассислар кўп ҳолларда, юридик шахснинг мол-мулкни вужудга келтиришга ўз улушини қўшади. Бу улушлар асосида, кўп ҳолларда, юридик шахснинг устав фонди ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик Кодексининг** 40-моддасига мувофиқ, юридик шахслар ўз фаолиятида кўзланган мақсад бўйича тижорат ва тижоратчи бўлмаган турларга бўлиниши мумкин. Юридик шахсларнинг тижоратчи турлари муассисларнинг фойда олишини кўзлаб тузилади. Масалан, хусусий корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари кабилар. Нотижорат турларида муассислар фойда олиш мақсадини кўзламайдилар. Масалан, жамоат бирлашмалари ҳисобланган сиёсий партиялар, турли хил фондлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кабилар. Юридик шахс бекор бўлганида уларнинг тижорат турларида юридик шахс ҳамма кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг, мол-мулк муассислар ўртасида тақсимлаб олинади. Нотижорат ҳарактердаги юридик шахсларда эса қолган мол-мулкка нисбатан муассислар ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмайдилар.

**“Хусусий корхона тўғрисида”**ги қонуннинг 3-моддасига асосан, хусусий корхона мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот ҳисобланади.

Шунингдек, қонуннинг 8-моддасига биноан, хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг

уставини тасдиқлайди. Корхона ушбу низомга мувофиқ бошқарилади. У бошқарув тузилиши ва усуллари мустақил белгилайди ва ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради. Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

#### **А) Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига асосан, юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ёки устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса тасдиқланади.

Фуқаролик кодексга мувофиқ, бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек, уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар(муассислар) юридик шахс ташкил қилиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби

хам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ, бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса – давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартиришлар хақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва муассислари мазкур ўзгартиришларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартиришлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

Кодекснинг 43-моддасида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, уларнинг турлари ва мазмуни, расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига оид қоидалар ифодаланган.

Таъсис ҳужжатлари юридик шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилайди ва шунинг билан уни вужудга келиши учун зарур шарт-шароитни яратди. Кўпчилик юридик шахслар ўз фаолиятини хусусий устав асосида амалга оширадилар. Қатор юридик шахсларнинг уставлари давлат органлари томонидан қонунга яқинлаштирилган ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади. Баъзи турдаги юридик шахслар учун таъсис ҳужжат сифатида ҳам устав ва шартнома биргаликда назарда тутилади. Тижоратчи бўлмаган юридик шахсларнинг маълум бир турлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу турдаги юридик шахслар учун қабул қилинган умумий қоидаларга асосан фаолият юритадилар. Бундай ҳолларда, хусусий таъсис ҳужжатлар учун ҳожат қолмайди, чунки бу турдаги барча тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг амалга оширадиган фаолиятларида бир-бирига ўхшашлик мавжуд бўлади. Назарда тутилган таъсис шартнома ва уставларнинг турли тартибда қабул қилиниши ушбу таъсис ҳужжатларининг ҳуқуқий табиати ҳар хил бўлишидан далолат беради.

Юридик шахсни ташкил қилиш тўғрисидаги барча иштирокчилари томонидан йўл қўйилган таъсис шартномаси кўп томонлама фуқаролик–ҳуқуқий шартнома ҳисобланади. Қабул қилинган бундай шартнома

муассислар учун ҳам, у асосида ташкил қилинган юридик шахс учун ҳам мажбурдир. Устав ўз табиатига кўра, муассислар томонидан тасдиқланган алоҳида, яъни махаллий норматив ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир ташкилотнинг устави белгиланган маълум бир тартибда тасдиқланади. Устав фақат юридик шахс учун, шу жумладан, хусусий корхона учунгина эмас, балки у билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўладиган иштирок этувчи барча учинчи шахслар учун ҳам зарур.

Кодекснинг 43-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, юридик шахс, шунингдек хусусий корхона, ҳам бир муассис томонидан таъсис қилиниши мумкин. Бунда муассис ўзи тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Хуллас, юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

1. Таъсис этиш қарори;
2. Устави (ёки низоми);
3. Таъсис шартномаси

Таъсис этиш қарори таъсисчиларнинг юридик шахсни ташкил этиш ҳақидаги саъй-ҳаракатларининг ифодасидир.

**Устав (ёки низом)** – юридик шахснинг асосий қонунидир.

Юридик шахснинг устави ёки у ҳақидаги низом шундай ҳужжатки, бунда унинг фаолияти учун юридик аҳамиятга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланади. Уставда юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, ташкил бўлиш мақсади ва тартиби, унинг ташкилий тузилиши, аъзоларга эга бўладиган ташкилот бўлса, аъзоликка қабул қилиш шартлари, мулкнинг таркиби сингари қатор қоидалар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи юридик шахслар, шу жумладан, хусусий корхонанинг уставида унинг фаолият тури ва мақсади белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Баъзи ҳолларда, юридик шахсни ташкил этишда мазкур турдаги юридик шахсларнинг ташкилий тузилиши ва ишига доир барча умумий қоидаларни назарда тутган намунавий уставларнинг бўлиши, юридик шахс уставини тузиш вазифасини енгиллаштиради.

Кўпинча савол туғилади: **устав** билан **низом** бир нарсани ёки фарқли нарсаларми? Қоида тариқасида, иккалови ҳам бир нарса, яъни ҳар иккиси ҳам юридик шахснинг фаолиятини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади. Аммо устав тижоратчи юридик шахсларда тузилиб, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Низом тижоратчи бўлмаган юридик шахсларда мавжуд бўлиб, у ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади (масалан, юридик шахс ҳисобланган сиёсий партиялар низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланади). Шу жиҳатлари билан устав – низом бир-биридан фарқ қилади<sup>1</sup>. Таъсис шартномалари одатда, таъсисчилар икки ёки ундан кўп бўлган ҳолларда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун тузилади. Яъни устав фондини шакллантиришда иштирокчиларнинг хиссаси, фойда ва зарарни тақсимлаш каби масалалар кўрсатилади. Таъсис шартномалари, масалан, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларда, шўъба корхоналарида тузилади.

**“Хусусий корхона тўғрисида”**ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, тижорат ташкилоти сифатидаги хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг **уставидир**, унинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- хусусий корхонанинг фирма номи;
- унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- асосий фаолият турларининг рўйхати;
- мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;
- устав фондининг миқдори .

---

<sup>1</sup> Қаранг: И.Зокиров, О.Окюлов, М.Баратов. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. Т., 2003йил, 49-бет.

Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Таъсис шартномасида тарафлар(муассислар) юридик шахс ташкил қилиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш. муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ, бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Одатда, таъсис шартномаси таъсисчилар икки ёки ундан кўп булган ҳолларда тузилади. Бинобарин, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, таъсис шартномалари акциядорлик жамиятларида, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларда, ширкатлар шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда учрайди.

## **Б) Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига асосан, юридик шахс қонун ҳужжатларида белгилаган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик булган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишни қонунда белгилаб қўйилган тартибини ёки унинг таъсис ҳужжатларига мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб булади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатни ўтказишни рад этишга йул қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Амалиётда бундай ҳолатлар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги янги тахрирдаги қонуни, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 1995 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тартибга солинади.

Юридик шахс давлат рўйхатидан утказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан утказилиши лозим.

Кодекснинг 44-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан утказилиши лозим.

Шунингдек, “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан, хусусий корxonани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади, яъни хусусий корxonани давлат рўйхатидан ўтказиш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қуйиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бундай қонун ҳужжатларига биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонуни қиради. Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида хусусий корxonани давлат рўйхатидан ўтказишга бағишланган қоидалар назарда тутилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан, субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6-сон, 140-модда., Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 23-сон, Т., “Адолат”, 2001 йил

Рўйхатдан утказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тарикасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти тарикасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиш мумкин. Рўйхатдан утказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) суд томонидин қонунга ҳилоф деб топилган тақдирда улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг урнини қоплайдилар ва маънавий зарар учун тоvon тулайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш дастлабки муҳим ташкилий босқич ҳисобланиб, мамлакатимизда бу соҳада қадам-бақадам соддалаштирилган тизим томон қилжиш бўлмоқда. Тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан утказилиши, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати вужудга келганлигини билдиради. Бинабарин, шу кундан бошлаб ҳўжаоик юритувчи субъект уз фаолиятини бошлаши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Президентимиз И.А.Каримов “Кичик ва хусусий қорхоналар ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият қурсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш лозим. Бунинг учун кичик ва хусусий қороналарни тузиш шартларини соддалаштириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хом-ашё ва қредит захираларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан доимий фойдалана олиш тартибларини эркинлаштириш дарқор.”<sup>1</sup> деб таъқидлаган эди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. “Озод ваобод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”, Т.”Ўзбекистон ” , 2001йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қуйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарорига биноан, 2001 йилнинг 1 октябридан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмокчи булган барча шахслар уз ишларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида “бир идора орқали” шаклида махсус ташкил қилинган бўлимлар (тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари)да амалга оширишлари белгиланди ва давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳам муайян тизимга солинди. Унга қура:

- А) аудиторлик ва сугурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;
- Б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳамда тегишли равишда Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар- Қорақолпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;
- В) барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар(а ва б бандида кўрсатилганлардан ташқари) туманлар(шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан давлат рўйхатдан ўтказилади ва ҳисобга қуйилади.

Ушбу қарор билан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмокчи булган шахслар туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари белгиланди:

**Якка тартибдаги тадбиркорлар** учун 4 та ҳужжат, яъни:

- давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза;
- 3x4 улчамли иккита фотосурат;
- рўйхатдан ўтказиш йигимининг туланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
- муҳр ва штамп эскизлари(3 нусхада) ҳамда паспорт.

<sup>1</sup> Қаранг: “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил 23 август

### **Юридик шахслар учун 6 та ҳужжат, яъни:**

- ариза;
- корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
- тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- рўйхатдан ўтказиш йигимини тулаганлиги хақида банк ҳужжати;
- фирма номи тўғрисида гувоҳнома;
- муҳр ва штамп эскизлари(уч нусхада).

### **Фермер хўжаликлари учун 8 та ҳужжат, яъни:**

- ариза;
- кишлоқ хўжалиги кооперативи умумий йигилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаоикни ташкил этиш тўғрисидаги қарори;
- уставнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
- тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- рўйхатдан ўтказганлик йигимини талаганлиги ҳақтдаги банк ҳужжати;
- фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;
- танлов комиссиясининг ер участкаси бериш хақидаги баенномаси, бизнес-режа нусхалари;
- муҳр ва штамп эскизлари(3 нусхада).

Шуниси муҳимки, эндиликда солиқ инспекцияси, статистика органлари ва ички ишлар бошқармасининг тегишли булимларида ҳисобга қуйиш ва руҳсат олиш ишларининг ҳаммаси рўйхатдан ўтказиш булими томонидан амалга оширилади .

Ариза берилган кундан эътиборан, **якка тартибдаги тадбиркорлар - 7 кунда, юридик шахслар ва фермерлар - 12 кунда** таъсис ҳужжатларини оладилар.

Рўйхатдан ўтказиш булимига топшириладиган таъсис ҳужжатларини туман(шаҳар) товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ёки консалтинг фирмалар тайёрлаб бериши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари, хусусан, хусусий корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ҳам

ислохотлар уларок, тобора либераллашмоқда. **2003 йил 20 августда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарори қабул қилинди. Унга қура, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шаротлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тусикларни олиб ташлаш белгиланди. Ушбу қарорга биноан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда :

Биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди;

Иккинчидан, барча қелишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланди.

Ушбу қарорга қура, шунингдек, туман(шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил қилинди(2003 йил 1 октябрғача инспекция шакллантирилди) ва унинг асосий вазибалари қилиб қуйидагилар белгиланди:

-тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни мулжаллаётган ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

-тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари ) уланиш, турар жойларни натура жой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун , шунингдек, муҳр ва штамп тайёрлашга рұхсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари

---

<sup>1</sup> Қаранг: “Халқ сузи”газетаси, 2003 йил 21 август.

доирасида мажбурий тартибда келишиладиган ва рухсат олинадиган тегишли ташкилотларни аниклаш;

-юкорида курсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, реестрни юритиш, шунингдек, уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга куйиш;

ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жихати шундаки, ариза берилган санадан бошлаб, тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишгача булган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини ҳисобга олиб, 7 иш кунидан 1 ойгача килиб белгиланди.

## **В) Хусусий корxonанинг устав фондини шакллантириш**

Табиийки, тадбиркорнинг ўз фаолиятини амалга ошириш учун албатта, мулк керак. Тадбиркор фаолиятини ўзига қарашли мол-мулк асосида ҳам, шунингдек, жалб этилган мол-мулк( хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи) асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда барча мулк шакллари (шу жумладан, хусусий тадбиркор мулки ҳам) дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Бинобарин, ҳар бир мулкдор мулкига ўз хохишига кўра(албатта, қонун доирасида) эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Тадбиркорга мулк ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли мол-мулк олди-сотди, гаров, айирбошлаш, ижара, ҳадя каби битимлар объекти бўлиши мумкин.

Устав фонди шундай нарсаки, у стартдаги, бошланғич сармоя ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг турли қонунларида хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўлами, мақсади ва аҳамиятидан келиб чиқиб

устав фонди белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонунга кўра, очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АКШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳаққининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак(қонуннинг 2003 йил 30 августдаги таҳририда). Ўз навбатида устав фонди нима деган саволга мазкур қонун ўзига хос тарзда жавоб ҳам беради, яъни, жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади, деб нормаланади. “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонунга кўра, ширкат устав фондининг миқдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳаққининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак. “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”<sup>3</sup>ги қонунга кўра мазкур турдаги юридик шахсларнинг устав фондининг миқдори улар давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгилаган энг кам ойлик иш ҳаққининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги белгиланган. Амалдаги қонунлар юридик шахслар устав фондининг энг кам миқдорини белгилашни давлат органларига топширади. Масалан, “Кредит уюшмалари тўғрисида”<sup>4</sup>ги қонунга кўра, кредит уюшмалари устав фондининг энг кам миқдорини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

---

<sup>1</sup>Қаранг: ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 5-6-сон, 61-модда.

<sup>2</sup>Қаранг: Халқ сузи, 2002 17 январь

<sup>3</sup>Қаранг: Халқ сузи, 2002 йил 22 январь.

<sup>4</sup>Қаранг: Халқ сузи, 2002 йил 4 май.

Аммо шуни айтиш керакки, биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасидаги қонун – “Хусусий қорхона тўғрисида”ги қонун хусусий қорхона устав фондининг энг кам миқдори ҳақида аниқ бир норма белгиламайди. Бу – табиий ҳол, албатта. Чунки қорхона хусусий бўлганидан кейин унинг устав фондини қанча миқдорда бўлишини хусусий қорхона соҳиби – мулкдорнинг ўзи белгилайди. Аммо қонунчиликнинг умумий руҳидан келиб чиқадиган бўлсак, айтиш мумкинки, хусусий қорхона устав фондининг энг кам миқдори тахминан республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳаққининг эллик бараваридан ортиқ бўлиши лозим. Айтиш мумкинки, бу фикримиз ҳам тугал фикр эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 407-сонли қарорига мувофиқ мсамлакатимизда 2002 йилнинг 1 декабридан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар амалга ошириладиган савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарликни таъминлайдиган миқдорларда устав жамгармасига ва бошқа активларга эга бўлиши шарт бўлган тартиб белгиланди. Унга кўра, ихтиёрида тегишли моддий-техник базага (ўз омборхоналарига ва асбоб-анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиш вақтида энг кам ойлик иш ҳаққининг камида 6000 баравари, шундан пул маблағлари - 2000 баравар миқдоридаги устав жамгармасини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эгалликлари белгиланди.

Ҳар қандай мол-мулк ҳам тадбиркорлик фаолиятининг объекти бўлавермайди (тадбиркорлик фаолияти муомаласида қатнашмайди). Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги “Айрим қорхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида”<sup>1</sup> ги қарорининг 1-иловасида давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва сотиб

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 11-сон, 162-164-бетлар, Т., “Адолат”, 1996йил .

олиниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулклар турлари ҳамда гуруҳлари рўйхати келтирилган. Улар қуйидагилар:

1. Республика ҳудуди доирасида ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво хавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.
2. Тарихий-маданий ва табиий мерос бойликлари, бошқа бадиий қадриятлар(тарих ва маданият ёдгорликлари, давлат фондлари, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фоноҳужжатларнинг давлат фондлари, архивлар ва илмий тадқиқот муассасаларининг фондлари).
3. Республиканинг Давлат хазинаси, республика Давлат бюджетининг, валюта захирасининг, Пенсия жамгармасининг давлат бюджетидан ташқари жамгармаларнинг, Марказий банкнинг маблағлари, шунингдек, республиканинг олтин захираси.
4. Пул муомаласи соҳасида хизмат кўрсатувчи давлат муассасалари, пул белгиларини, давлат хазина билетларини, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни, орденлар, медаллар ва почта тўлови белгиларини чиқаришни таъмин этувчи Давлат зарбхонаси корхоналари ва муассасалари.
5. Республика Қуролли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки(саноатда қайта ишлов берилгунга қадар, шунингдек, саноатда қайта ишловга берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк).
6. Рентген ускуналарини, радиоактив моддалар ва изотопларни ишлатиб илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари олиб борувчи, шундай ускуналар, моддалар ва изотоплар ишлатиладиган асбоб – ускуналарни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналар ва объектлар.
7. Радиоактив моддаларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлаш билан, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган маҳсулотларни реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналар ва объектлар.

- 8.** Ракета-коинот мажмуалари, алоқа тизимлари ва уларни бошқариш воситалари ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналар ва объектлар.
- 9.** Қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техника. Эҳтиёт қисмлар, бутлаш қисмлари ва уларга керакли асбоблар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналар.
- 10.** Овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқ-отар қуроллар. Улар учун ўқ-дори, шунингдек тиғ-қурол(совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.
- 11.** Кучли таъсир этадиган заҳарларни, гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинларни экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар.
- 12.** Республиканинг давлат захиралари, Фуқаролик муҳофаази ва сафарбарлик мақсадидаги объектлар ҳамда мол-мулклар.
- 13.** Атом энергетикаси объектларини(ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар.
- 14.** Портлаб кетиш хавфи бор ва заҳарли моддаларни ташувчи ихтисослаштирилган корхоналар.
- 15.** Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари. Ҳарбийлаштирилган автоколонналар.
- 16.** Санитария-эпидемиология станциялари, суд-тиббий экспертиза бюрolari. Атроф-муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар.

17. Даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларининг корхоналари.

18. Махсус вазифаларни бажарадиган корхоналар.(Республика махсус алоқа узели, 15361-сонли Ҳарбий қисм, Электрмагнит мослик маркази).

19. Қабристонлар.

Шунингдек, “Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида”<sup>1</sup> ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги қарорининг 2-илоvasида давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган объектлар ва корхоналарнинг рўйхати белгиланган. Булар қуйидагилар:

1. Асосий фондларининг баланс қиймати 100 миллион сўмдан ортиқ(1995 йил 1 январгача) бўлган корхоналар;

2. Қимматбаҳо нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари.

3. Саноатнинг таянч тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кон қазиб олиш, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ва ташкилотлари. Нефть, газ ва кўмир қазиб чиқариш, қудуқлар корхоналари ва ташкилотлари. Катта нефтопровод ва газопроводлар, нефть махсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар, электр ва иссиқлик хосил қилувчи станциялар ва туман қозонхоналари, тизим хосил этадиган электр тармоқлари. Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари.

4. Кимё корхоналари(гербицидлар, минерал ўғитлар, синтетик толалар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган захарли кимёвий дорилар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш).

5. Фармацевтика саноати ҳамда тиббий-биологик дори дармонлар саноати корхоналари.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 11-сон, 164-166-бетлар, Т.,”Адолат”, 1996йил.

6. Электр алоқаси корхоналари, телевизион, радио қабул қилиш ва радио узатиш марказлари ҳамда уларнинг муҳандислик иншоотлари.
7. Ахборот ва телеграф агентликлари.
8. Стандартлаштириш ва метрология корхоналари.
9. Шифрлашда ишлатиладиган техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва улар билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.
10. Таваккалчилик ишлари кўп объектлар ҳамда ботиний ва зохирий хавф-хатари бор ишлаб чиқариш объектлари( 1-иловининг 13-бандида кўрсатиб ўтилган объектлар бундан мустасно) қуриш ҳамда улардан фойдаланиш билан, улар учун ускуналар, назорат қилиш ва фалокатларнинг олдини олиш тизимлари тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.
11. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриқловчи, ёнғиндан огохлантирувчи ва кўриқлаш-ёнғиндан огохлантиришга мўлжалланган сигнал бериш воситаларини лойихалаш, таъмирлаш, монтаж қилиш, созлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.
12. Сув хўжалиги ҳамда мелиорация тизимларини, авария-қутқарув кемаларини, гидротехник иншоотларни техник назорат қилиш кемаларини лойихалаш, қуриш, таъмирлаш ҳамда уларни ишлатиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.
13. Муҳандислик инфраструктураси объектлари: шаҳарлар ва туман марказларининг электр, иссиқлик ва газ таъминоти, водопроводканалзация хўжалиги, ташқи ёритиш, зохирий ободонлаштириш объектлари, шунингдек бундай объектларни лойихалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналар.
14. Темир йўл, ҳаво ва дарё транспортида йўловчилар ва юк ташиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.
15. Шаҳарда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар.

16. Вазирликлар, идораларнинг олий, ўрта махсус ўқув юртлари, хунар техника билим юртлари, шунингдек умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, болалар уйлари ва мактабгача тарбия болалар муассасалари.
17. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг муассасалари ва ташкилотлари.
18. Давлат наслчилик хўжаликлари ва фермалари, от заводлари, элита-уруғчилик хўжаликлари, уруғчилик ва селекция станциялари, давлат уруғчилик инспекциялари ва қишлоқ хўжалик экинларининг технологик сифатини баҳолаш лабораториялари, нав синов станциялари ва участкалари.
19. Ўрмон хўжалигининг, геология, картография-геодезия, гидрометеорология хизматларининг корхоналари ва ташкилотлари, технология алоқаси ва унинг ахборот марказлари.
20. Саноатнинг қаттиқ чиқиндилари ва рўзғор чиқиндилари кўмиладиган майдонлар, бинолар, иншоотлар ва кўмиш учун керакли ускуналар, чорва молларни кўмадиган жойлар.
21. Машина синаш станциялари, элеваторлар, совуткичхоналар, омбор хўжалиги объектлари.
22. Республикадан четда жойлашган давлат санаторий курорт хўжаликлари.
23. Концерт-томоша кўрсатиш муассасаларининг корхоналари ва объектлари, кинолаштириш объектлари, шунингдек кутубхоналар ва қироатхоналар.
24. Соғлиқни сақлаш муассасалари.
25. Ветеринария хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати корхоналари ва муассасалари.
26. Ногиронлар, кексалар ва Фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган бошқа тоифалари, қаровда бўладиган уйлар ва интернатлар.
27. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг соғломлаштириш муассасалари.
28. Маросимлар ўтказишда хизмат кўрсатадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар.

Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонунининг **12-13-моддаларида** хусусий корхонанинг устав фонди билан боғлиқ қоидалар назарда тутилган. Унга кўра, хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёҳуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган хисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантириладиганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий(улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

## 2.2. Хусусий корхона фаолиятини тугатиш

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасида хусусий корхонани тугатиш билан боғлиқ қоида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, хусусий корхона унинг мулкдори ёки суднинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.

Хўш, юқорида эътироф этилган қонун ҳужжатлари нималардан иборат? Юридик шахс ва тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида хусусий корхонани тугатиш тартиб-қоидаларини назарда тутувчи қонун ҳужжатлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига асосан, юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугагилиши мумкин:

- унинг муассислари(иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахс ваколат муддатининг тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу қонун ҳужжатлари бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

- фаолият рухсатномасиз(лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан таъқиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган тақдирда; шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

- ФК 57-моддасида айтилганидек, юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарорида унинг муассислари(иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектини, шу жумладан, хусусий корхонани тугатиш қуйидаги ҳолларда юз беради:

- мол-мулк мулкдорининг қарори билан;
- бундай корхоналарни тузишга ваколатли органнинг қарори билан;
- суд қарори билан.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тугатилиши унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа субъектга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади. Тадбиркорлик фаолияти субъекти у давлат реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган деб ҳисобланади, ҳуқуқ ва муомала лаёқати тугайди. Қонунчиликнинг муваффақияти шундаки, тадбиркорлик фаолияти субъекти тугатилаётганда бўшаб қолган ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди.

Тадбиркорлик субъектини тугатишнинг дастлабки икки усули нормал ҳоллар ҳисобланиб, одатда, шундай қарор қабул қилган орган(ёки таъсисчилар) юридик шахсларни(тадбиркорлик субъектларини) давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайдилар ҳамда амалдаги қонунларга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайдилар. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектининг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади, жумладан, комиссия тугатилаётган субъект номидан судда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси матбуотда ушбу субъект тугатилаётганлиги, унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати

хақида хабар эълон қилади. Бу муддат тугатиш хақида хабар эълон килинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Бу балансда тугатилаётган субъектнинг мол-мулк таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати ва бошқа маълумотлар акс эттирилади.

Субъект тугатилаётганда биринчи навбатда Фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментлар ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш хақидаги талаблари, шунингдек, ҳаётига ёки соғлигига зарар етказганлиги учун талаблар қондирилади. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугатганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Тадбиркорлик субъектининг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг таъсисчиларига топширилади.

Суд қарори асосида тадбиркорлик субъекти, хусусий корхона қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- тадбиркорлик субъектини, шунингдек хусусий корхона ташкил қилиш пайтида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд уни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

- фаолият руҳсатномасиз амалга оширилганда;

- қонун томонидан таъқиқланган фаолият амалга оширилганда;

- олти ой мобайнида(савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақалари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно);

- давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаганда(қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса);

- банкрот деб топилганда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъекти қайта ташкил этилганда(ташкилий- ҳуқуқий шакли ўзгарганда) ҳам аввалги субъект фаолияти тугатилади. Унинг ҳуқуқ ва бурчлари янгидан вужудга келган субъектларга ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Юқоридагилар орасида банкрот деб топиш туфайли тугатиш ўзига хосдир.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”<sup>1</sup> ги қонунга асосан, банкротлик-хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир. Банкрот деб юридик шахс ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ҳам, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахс ҳам топилиши мумкин. Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва(ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва(ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, бу банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. Тадбиркорлик субъектининг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Банкротлик билан бирга, шунингдек, амалда судгача санация(молиявий соғломлаштириш) қилиш таомили ҳам мавжуд.

Санация қилиш, аниқроғи, судгача санация қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар асосан, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги банкротлик тўғрисидаги, шунингдек, 1997 25 декабрда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги

---

<sup>1</sup>Қаранг: <http://zakonuz.narod.ru/z110.htm>. Халқ сузи, 2003йил 10июнь.

конун билан тартибга солинади. Санация қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисидаги иш қўзғатишга қадар амалга оширилади.

Санациянинг мақсади – қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида унинг фаолияти самарали бўлиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Санациянинг вазифаси – қишлоқ хўжалик корхонасининг фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатбардош махсулот етиштириш ва уни реализация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Санация давлат маблағларини жалб этган ёки жалб этмаган ҳолда ўтказилиши мумкин. Санация қилиш жараёнида давлат маблағлари қайтариб бериш асосидагина жалб этилади.

Санациянинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- ўзаро қарз суришишни ташкил этиш;
- тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш;
- солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредиторларини санация муддатига узайтириш;
- корхонани рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш;
- ташқаридан юқори малакали мутахассислар жалб этиш;
- ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш;
- қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини тиклаш ва унга ўз фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;
- корхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзнинг муайян қисмидан воз кечиш тўғрисида корхона ва кредитор(кредиторлар ўртасида) битим тузиш;

- ташқаридан бошқаришни жорий этиш;
- корхонани қайта ташкил этиш кабилар.

Санация қилиш 24 ой муддатгача жорий этилади<sup>1</sup>.

### **2.3. Хусусий корхонанинг жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига карашли бутун мол-мулк билан жавобгар бўлади. Дарвоқе, шу ўринда бурч ва мажбурият терминларига тўхталиб ўтсак. Уларнинг бирлиги ва ўзига хослигига аниқлик киритиб олсак. Гарчи бу масалага юридик адабиётларда тўхталинган бўлсада, қисқача фикр-мулохазаларни баён қилишни жоиз деб топдик. Сирасини айтганда, бурч ҳам, мажбурият ҳам битта атама сифатида шахс зиммасига бирон-бир таъқиқлов ёки мажбурлов чораси юкланганлигини ёхуд бирон нарсани қилишга албатта мажбурлиги ё қилишдан сақланишга мажбурлигини билдиради. Ўзига хос жихатлари эса кўйидагиларда намоён булади:

Биринчидан, бурч асосан қонунлардан, ахлоқий нормалардан келиб чиқади, мажбурият аксар кўп ҳолларда шартнома ва битимлардан келиб чиқади.

Иккинчидан, бурч шахс туғилганидан то умрининг охирига қадар давом этади, мажбурият эса бир марталик шартноманинг амал қилиш давригача кучда бўлади. Масалан, Ватанни химоя қилиш Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳар бир Фуқаросининг бурчи. Ҳар бир деганда, бу ерда ёши, дини ва миллатидан қатъий назар ҳамма инсонлар назарда тутилмоқда. Омонат сақлаш шартномасига кўра, театр гардеробига кийимлар топширилганда вужудга келадиган мажбурият фақат томоша тугагунга қадар амалда бўлади.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Кишлоқ хужалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 18-сон. Т., Адолат, 1998, 37-47-бетлар.

Учинчидан, бурч мутлак, мажбурият эса нисбий категориядир. Бу дегани – бурч ҳар бир Фуқарога давлат томонидан қонунларда белгиланган бўлиб, унинг ижросини давлат ҳаммадан – ҳар бир Фуқародан талаб қилишга ҳақли. Мажбуриятга кўра, шартнома бўйича ҳақдор ҳисобланган тараф фақат ўз қарздори(айрим ҳолларда қарздорлари) дангина ҳуқуқини талаб қилиши мумкин.

Тўртинчидан, бурч ва мажбурият бажарилмаганда юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар, кўриладиган чора-тадбирларнинг турли-туманлигидир. Бурчни бажармаслик Фуқарони икки томонлама исқанжага олади. Аввало, у давлат томонидан мажбурлов чораларига(жиноий, маъмурий, интизомий) тортилади, қолаверса, халқнинг, омманинг, жамоатнинг тавқи-лаънатига учрайди. Шу ерда Ватанни химоя қилиш бурчини келтириш айна муддаодир. Бироқ, бундан мажбуриятни бажармаганлик енгил оқибатларга олиб келар эканда, - деган хулосага келиш ярамайди. Мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳам ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, қарздорга нисбатан турли иқтисодий санкциялар, моддий жарималар, маънавий зиённи қоплаш, бузилган ҳуқуқни тиклаш кабилар орқали аввалги ҳуқуқлар тикланади.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига биноан субсидиар жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятида жавобгарлик тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятларидан келиб чиқади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларида қуйидаги мажбуриятлар бор:

- ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;
- ёлланган ходимлар ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;
- хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза этиш талабларига риоя этишлари;

- реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

- почта манзили ва бошқа реквизитлар ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

- бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

- ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари;

- қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаб боришлари;

- ўз ҳуқуқларини амалга оширилаётганларида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмасликлари;

- ўзларининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилмасликлари, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатлар қилмасликлари;

- ўз ҳуқуқларини амалга ошираётганларида Фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказмасликлари каби.

Юқоридаги ҳар бир ҳолат қонун ҳужжатларида нормаланган бўлиб, табиийки, уни бузган ёки бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган тадбиркорлик фаолияти субъектининг юридик жавобгарлик масаласи кўрилади. Чунки, қонун чиқарувчи давлат органи халқнинг эрк-ифодасини ифодалайди, унинг манфаатларини кўзлайди. Бинобарин, ҳуқуқбузарлик содир этилдимми, албатта, у ёки бу даражада жазога муқаррардир. Келинг яхшиси, ана шундай жавобгарлик турларининг айримларини кўрайлик.

Солиқ қонунчилигига кўра, юридик шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишидан бўйин товлаши қуйидаги микдорда жарима солишга олиб келади:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса, -

энг кам иш хаққининг 50 баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг(фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса, - энг кам иш хаққининг 100 баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг(фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда.

Ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар солиқ органидан рўйхатдан ўтишидан бўйин товлаши, энг кам иш хаққининг 5 баравари миқдорида жарима солишга олиб келади.

Борди-ю, даромад яширилган такдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг(фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун эса шу фаолиятдан олинган бутун даромад(фойда) ва шунча миқдорда жарима ундирилади. Булар солиқ қонунчилиги бўйича.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, хусусий корхонанинг Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар нормал муносабатлар бўлганлигидан асосан улар тузган шартнома ва битимлардан келиб чиқади. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати, асосан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, шунингдек, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади. Жавобгарликнинг бу тури ҳам енгил эмас. Чунончи, ушбу номи айтилган қонунга кўра, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% идан ошиб кетмаслиги

керак.<sup>1</sup> Эътиборлиси, пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарлар етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаганлик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланган. Маъмурий жавобгарлик шуниси билан характерлики, унда оддий ҳуқуқбузар билан мансабдор бўлган ҳуқуқбузарнинг жавобгарлиги фарқланади. Масалан, солиқ олинадиган фойдани(даромадни) ёки бошқа объектларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ёки бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш, -

фуқароларга энг кам иш ҳаққининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса,

- беш бараваридан етти бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ёки шундай ҳуқуқбузарликлар борки, уларда субъект фақат мансабдор шахслардир. Масалан, иш ҳаққини таъқиқланган шаклларда(алкоголли махсулотлар ёки тамаки махсулотлари, шунингдек, рўйхати қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган бошқа товарлар тарзида) тўлаш,

- мансабдор шахсларга энг кам иш ҳаққининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жавобгарликнинг яна бир тури - жиноий жавобгарликдир.

Жиноий жавобгарлик масаласи Жиноят қонунчилигининг хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар бобида туркумланган. Тўғри, сўнгги пайтдаги қонунчилик, суд- ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимиз жиноят қонуни назарда тутган жазоларни либераллаштириш томон кетмоқда. Шунга қарамай, барибир, жиноий жавобгарлик жавобгарлик турлари орасида фавқулодда “ўринга” эга. Бу ўрин у олиб келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатлар билан изоҳланади. Чунончи, назорат қилинмайдиган фойда(даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 20-сон, 92-93-бетлар, Т.,”Адолат”, 1999йил.

бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

- уч йилгача муайян ҳуқуқдан махрум қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараварининг етмиш бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ёки лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

- энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Хулоса шуки, содир этилган салбий ҳаракат, қилмиш, ҳуқуқбузарлик учун жазо муқаррардир.

## **ХУЛОСА**

Мазкур мавзуни ўрганиш, тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, хусусий корхоналар билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос тадқиқот объектини ташкил қилади. Том маънодаги хусусий корхоналар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар шу пайтгача алоҳида мавзу доирасида ўрганилган эмас. Тўғри, тадқиқотчи М.Абдусаломовнинг юридик фанлар номзодини олиш учун ёзилган “Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари” мавзуидаги диссертацияси ҳам кенг планда олинган бўлиб, у ерда тадбиркорликнинг бир кўриниши бўлган хусусий корхонага ҳам қисман тўхталиб ўтилган.

Мавзуни ўрганиш доирасидаги биринчи хулосамиз шуки, мазкур мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари даражасида ўрганилмоғи лозим.

Тадқиқот мавзусини ўрганиш якунида қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, хусусий корхона – мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилотдир. У тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Бу ўзига хослик шу билан изоҳланадики, хусусий корхонанинг таъсисчиси уни бевосита ўзи бошқаради. Бошқа тадбиркорлик тузилмаларида эса, ушбу тузилмани бошқариш ишончли вакилга, ёлланган шахсга топширилиши(масалан, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият) ёки бўлмаса коллегиял асосда бошқарилиши(акциядорлик жамиятлари, қишлоқ хўжалиги ширкати(кооперативи)) назарда тутилади.

Иккинчидан, хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мулкдор хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Учинчидан, хўжалик юритувчи тузилма “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонун таъсири доирасида бўлиши учун унинг фирманинг тўлиқ номи “хусусiy корхона” деган сўзларни, қисқартирилган номи эса, “ХК” аббревиатурасини ўз ичига олган бўлиши керак.

Тўртинчидан, “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига кўра, хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Юридик шахслар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг деярли барча қонунларида уларнинг минимал устав фонди аниқ белгиланган. Фикримизча, мазкур қонуннинг 12-моддаси 1-қисмида ҳам

хусусий корхонанинг минимал устав фондини белгилаш лозим, чунки, агар корхонанинг минимал устав фонди белгиланмаса, ҳар хил молиявий кинғирликлар, яна ҳам дахшатлиси, террор фаолиятини молиялаштиришга кўшадиган “ҳисса” яширилиб кетиши мумкин.

Бешинчидан, назаримизда, қонуннинг 15-моддаси 3-қисмини Фуқаролик кодексининг 172-моддасидан келиб чиқиб, қуйидагича таҳрир қилиш лозим:

“мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;

қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур;

мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Олтинчидан, қонуннинг 21-моддасининг 1-қисмида “хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”, дейилган. Фикримизча, ушбу ҳолатда қонунда назарда тутилган ҳоллар қайси ҳоллар эканлиги-ю, қайси қонун назарда тутилаётганлиги ҳам ўз аксини топиши лозим.

Еттинчидан, ўрганишлар натижасида хусусий корхонанинг қуйидаги Уставини намуна сифатида таклиф қилмоқчимиз.

*Иловалар*

**Рўйхатга олинган**

**Тасдиқлайман**

\_\_\_\_\_ -

(рўйхатга олган орган номи)

№ \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” 20\_\_ й..

( таъсисчининг имзоси)  
(таъсисчининг исми-фамилияси)

“ \_\_\_\_\_ ” 20\_\_ й.

\_\_\_\_\_ - хусусий корхонасининг

## **УСТАВИ**

\_\_\_\_\_ шаҳри

20\_\_ йил

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. \_\_\_\_\_ хусусий корхонаси бундан кейин корхона деб юритилади, \_\_\_\_\_  
(таъсисчининг анкета маълумотлари)

ташқил этилади.

1.2. Корхонанинг тўлиқ номи \_\_\_\_\_  
Корхонанинг қисқартирилган номи \_\_\_\_\_

1.3. Корхона давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур низом асосида олиб боради, ўз номидан мулкӣ ва хусусий номулкӣ ҳуқуққа эга бўлади, хўжалик судларида даъвогар ва жавобгар бўлади.

Корхона мустақил баланси, ўз номи ёзилган муҳри, штамп, товар белгиси, ва бошқа реквизитларига эга бўлади.

Корхона эгаси хоҳлаган банкда пул маблағларини сақлаш ва бошқа турдаги ҳисоб-китоб, кредит, касса операцияларини амалга ошириш учун ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалар очиш ҳуқуқига эга бўлади.

Корхона ўз низомида белгиланган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида юридик ва жисмоний шахслар билан турли олди-сотди операцияларини, шунингдек, бошқа операцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

1.4. Давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари корхона мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида корхона давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.5. Корхона чекланмаган муддатда фаолият юритади (агар чегараланган бўлса муддати кўрсатилади).

1.6. Корхона жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (манзил)

## **2. Фаолиятининг мақсади ва вазифалари**

2.1. Корхонанинг фаолият юритишидан мақсад ўз ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятдан даромад (фойда) олиш ҳисобланади.

2.2. Корхона ўз мақсадидан келиб чиқиб, фаолиятини қуйидаги турларда олиб боради: \_\_\_\_\_

### **3. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. Корхона ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шартномалар тузиш, олди-сотди операциялари ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш;
- амалдаги қонунчиликка асосан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- бинолар, иншоотлар, корхона, транспорт воситалари ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкни ижрага олиш ва бериш;
- ишлаб чиқарган маҳсулоти, кўрсатган хизматига бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, мустақил равишда ёки келишилган баҳоларда нарх белгилаш;
- банк кредитларидан фойдаланиш;
- ярмарка ва кўرғазмаларда иштирок этиш;
- юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа корхоналар ташкил этиш, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлиб кириш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ корхоналарга берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш

3.2. Корхона:

- ўз низомига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Низомда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

### **4. Корхона мулки ва жамғармалари**

4.1. Қуйидагилар корхона мулкани шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- таъсисчининг пул, товар ва моддий бадаллари;

- махсулот, ишлар ва хизматлар, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишдан олинадиган даромадлар;
- банк ва бошқа кредиторларнинг кредитлари;
- қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Корхона мулки асосий ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати корхона мустақил балансида акс эттириладиган бошқа моддий бойликлардан таркиб топади.

Корхона эгаси ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган барча ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4.2. Махсулотни сотишдан тушган тушумлардан, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа мажбурий тўловлар(жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара, қарзлар тўлови, ссудалар бўйича тўловлар ва бошқалар) чегириб ташлангандан сўнг қолган даромад мулкдорнинг тадбиркорлик даромади ҳисобланади ва уни мулкдор ўз хохишича тасарруф этади.

4.3. Корхона ишлаб чиқарган буюмларга фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюм номи ёки рамзи, буюмни таснифлайдиган бошқа маълумотлар кўрсатилиши шарт.

4.4. Корхона эгаси корхона фондлари ҳажми ва ундан фойдаланиш тартибини мустақил белгилайди.

## **5. Бошқарув органи**

5.1. Корхонанинг юқори бошқарув органи корхонанинг эгаси ҳисобланади. Корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик жихатдан мустақил бўлиб, корхонанинг бошқарув ишларини олиб боради.

5.2. Қуйидагилар корхона эгасининг алоҳида ваколатига киради:

- корхона фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг режалари ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлайди;
- корхона низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;
- директорни тайинлайди ва ишдан озод қилади;
- корхона, шу жумладан унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, даромадлари(фойдаси) ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлайди;
- директор ва корхонанинг бошқа раҳбарларини мулкӣ жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- корхона фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, тугатиш комиссиясини тайинлайди, тугатиш балансини тасдиқлайди.

## **6. Корхонанинг ижроия органи**

6.1. Корхонанинг ижроия органи директор бўлиб, у корхона эгаси томонидан тайинланади, унга хисобот беради ва унинг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Корхона эгаси, агар лавозими бўш турган бўлса, бир вақтнинг ўзида корхона директори вазифасини бажариши ҳам мумкин.

6.2. Директор корхона фаолиятига таълуқли масалаларни ўз ваколатлари доирасида мустақил хал қилади, ишонч қоғозисиз унинг номидан иш кўради, барча даражаларда корхона манфаатларини ҳимоя қилади, корхона мулкини тасарруф этади, шартномалар тузади, ишонч қоғозлар беради, банкда хисоб рақамлар очади, штат жадвалини тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, амалдаги қонунчиликка асосан корхонани бошқаришга доир бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

## **7. Ишчи кучларни ёллаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби**

7.1. Корхона томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилган, ёзма равишда тузилган меҳнат шартномасига асосан ишчилар ёллайди.

7.2. Меҳнат шартномасида қуйидагилар бўлиши керак:

- муайян мутахассислик, малака ёки вазифа бўйича ишларни бажариш мажбурияти;

- тузилган шартнома муддати;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шартлари, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби;

- ходимнинг ижтимоий ҳимояси;

- меҳнат шартномасини бузиш масъулияти;

- томонларнинг келишувига биноан бошқа маълумотлар.

7.3. Корхона Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилишга мажбур бўлиб, корхонада ички иш тартибини ўрнатади, меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиена талабларига риоя этилишини таъминлайди.

7.4. Корхонада ишлаётган ходимларга ўрнатилган тартибда меҳнат дафтарчаси берилади.

7.5. Ёлланма асосида ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақи олдиндан тузилган шартнома ёки контрактда кўрсатилганидек, давлат томонидан ўрнатилган минимал ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

7.6. Корхона эгаси ижтимоий, тиббий суғурта ва ижтимоий ҳимоя жамғармаларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос равишда мажбурий тўловларни амалга оширади.

7.7. Корхонада пайдо бўладиган меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## **8. Корхона ҳисоботини юритиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш**

8.1. Корхона амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисоботларини юритади.

8.2. Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни корхона эгаси - мулкдор ўзи мустақил ёки у томонидан тайинланадиган тафтишчи амалга оширади.

Тафтишчи корхонанинг мансабдор шахсларидан барча зарур материаллар, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тафтишчи йиллик ҳисоботлар натижаларини корхона эгасига тақдим этади.

Тафтишчи йиллик ҳисоботлар натижалари бўйича хулоса чиқаради, хулосасиз корхона баланси мулкдор томонидан тасдиқланмайди.

8.3. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан шунингдек, четдан таклиф этиладиган аудиторлик хизматлари, солиқ ва бошқа давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида махсус назоратни амалга оширади.

8.4. Корхона эгаси ҳисобот маълумотлари ҳақиқийлиги учун қонун олдида ўрнатилган тартибда жавоб беради.

## **9. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

9.1. Корхона фаолиятини тўхтатиш, қайта ташкил этиш(қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш) шаклида амалга оширади.

Корхона қайта ташкил этилаётганда унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

Корхонани тугатишда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тўхтайдиган ҳамда ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмайди.

9.2. Корхона қуйидаги ҳолларда:

- мулк эгасининг қарори бўйича;
- корхона банкротликка учраган, корхонани рўйхатга олиш ҳақиқий эмас деб топилган, фаолият рухсатномасиз юритилган ёки қонун томонидан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилганда, қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда суд қарори билан тугатилиши мумкин.

9.3. Корхонани тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган мулкдор ёки идора билан келишган ҳолда тугатиш комиссияси ва корхонани тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб, корхона ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси корхона номидан судларда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида корхонани тугатиш, кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги эълонни чоп эттиради. Бу муддат корхона тугатилиши ҳақидаги эълон чиққан кундан бошлаб, икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

9.4. Корхонани тугатиш процедуралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулк ва маблағлар корхона эгасига тегишли бўлади.

9.6. Юридик шахсларни рўйхатга олиш ягона давлат реестрига корхона тугатилиши ҳақидаги қайдлар киритилганидан сўнг корхона тугатилган, корхона фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -394 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -413 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -525 б.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.
8. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. -48 б.

10. Каримов И.А. Мамалакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир / Инсон ва қонун, 2010. № 51. -3 б.

## **II. Қонун ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 2007.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.–Т.: 2005.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 82 модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // **Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №1, 1-модда.**
6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1991 йил, №11, 246-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг **Ўзбекистон Республикасида** мулкчилик тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил, №31-33, 371-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг **Маҳаллий давлат ҳокимияти** тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг **Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 325-модда.**
9. Ўзбекистон Республикасининг **Ўзбекистон Республикасининг** халқаро шартномалари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 262-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 91-модда.
11. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №1, 43-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5-6, 54-модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9-10, 138-модда.
14. Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №1, 5-модда.
15. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №1, 10-модда.
16. Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №9-10, 169-модда.
17. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, №5-6, 148-модда.
18. Ўзбекистон Республикасининг Фирма номлари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2006 йил, №9, 148-модда.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги №745-сонли “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий

- мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. 3 китоб. –Т.: Адолат.1995.-Б.34-45.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №3202-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2-сон, 4-модда.
- 21.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги **№3619-сонли** “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 167-модда.
- 22.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинolari ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги **№3780-сонли** Фармони / **Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 30-сон, 288-модда.**
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори / Халқ сўзи, 2001 йил 23август.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори / Халқ сўзи, 2003 йил 21август.
- 25.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги “2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги №126-сонли “Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини, улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги қарори.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги №215-сонли Қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 42-сон, 417-модда.
28. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 28 апрел қарори.

### **III. Махсус адабиётлар:**

1. Алексеев С.С. Общая теория права. –М.: 2002. -159 б.
2. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Общее положение. –М.: Статут, 1997. -682 с.
3. Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Юр.издат., 1950. -366 с.
4. Гражданский Кодекс Республики Казахстан. –Алматы: Жеті жарғы. 2000.-605 с.
5. Гражданский кодекс Российской Федерации. –М.: 1996. -512 с.
6. Гражданское право. Учебник. 6-е изд. / Отв. ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой Т. 1. –М.: Проспект. 2003. -604 с.

7. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.М. ва бошқалар. Мас.мух. Бобоев Ҳ.Б., Одилқориев Х.Т. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000. -528 б.
8. Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2009. -..... б.
9. И.Зокиров, М.Баратов. Тадбиркорлик: манфаат ва масъулият. –Т.: Адолат. 2002йил.
- 10.И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. –Т.: 2003йил.
- 11.Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. –Т.: ТДЮИ. 2004.-104 с.
- 12.Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положения право собственности. – М.: Юрист. 1999. -384 с.
- 13.Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонунига шарҳлар / Масъул муҳаррирлар: Раҳмонқулов Ҳ.Р., Абдусаломов М.Э. –Т.: Адолат. 1994. –128 б.
- 14.Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997.-322 б.
- 15.Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Т.: ТДЮИ. 2003.-49 б.
- 16.Рўзиназаров Ш. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. –Т.:Адолат. 1997. -268 б.
- 17.Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. –М.:Юрид лит., 1991.-239 с.
- 18.Усмонов М. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.
- 19.Усмонов М.Б., Жўраев Й.О., Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқалар. Ер ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2002. -243 б.
- 20.Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. –Т.: Шарқ. 1996. -64 б.

21. Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик процессуал кодекси. –Т.: Адолат. 1993. -360 б.

#### **IV. Журнал, газета ва илмий тўпламлардаги мақолалар:**

1. Бабаев А.Б. Имущественные права унитарных предприятий и учреждений // Право и политика, 2002, №7. –С.41-44.
2. Гулямов С. Концепция торгового кодекса РУ./Материалы международного симпозиума. –Т.: 2002. –С.55-61.
3. Нарматов Н. Фуқаролик ҳуқуқидаги юридик коллизиялар // Ҳуқуқ. Право. Law. 2004, №4. –Б.1-3.
4. Окюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида, 1999, №9. –Б.16-19.
5. Р.Гайбуллаев. Хусусий мулкчиликдаги хўжалик юрители субъектларининг ҳуқуқий шакллари // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001/1-сон. –Т.: Шарқ. –Б. 39-41.
6. Самархўжаев Б. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати // Жамият ва бошқарув, 2002, №2. –Б.49-52.
7. Х.Рахмонкулов. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тамойиллари // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001/2-сон. –Т., Шарқ. –Б. 12-14.
8. Х.Фозилов. Хусусий корхона: унинг ҳуқуқий мақоми нималардан иборат? // Ҳаёт ва қонун, 2003/3-сон. –Т.: Шарқ. –Б. 46-47.
9. Якимов А.Ю. Статус субъекта права (теоретические вопросы) // Государство и право. 2003. №4. –Б.5-10 .

#### **V. Диссертация ва авторефератлар:**

1. Азизов Х.Т. Объекты права частной собственности граждан: Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.: 1994. -26 б.

2. Арипджанов У.А. Право собственности в системе вещных прав: Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.: 2000. -25 б.
3. Демидов И.А. Государство как субъект международного частного права. Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Саратов: 2005. -24 б.
12. Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.:2004.-24 б.
4. Тураев А.У. Правовые положение юридических лиц как субъектов внешнеэкономических отношений. Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.:1999.-26 с.
5. Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. – Т.:2002.-28 б.
6. Холбаев С.Б. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқининг субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ-ҳуқуқӣ лаёқати. Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.:1994.-170 б.
7. Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқӣ жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.: 2002.-48 б.
8. Эргашев В.Ё. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Юрид.фан.номз. Дисс. ...Автореферати. –Т.: 2005.-25 б.

## **VI. WEB-ресурслар:**

1. <http://Allpravo.ru>
2. <http://www.lawportal.ru>
3. <http://www.Lex.Uz>
4. <http://www.gov.uz>
5. <http://www.gki.uz>